



**ЎРИК ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ, БИОЛОГИЯСИ ВА
ЕТИШТИРИШ АРГОТЕХНИКАСИ**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ
АКАДЕМИК МАҲМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ
БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ФАРҒОНА ИЛМИЙ-ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ

Тузувчилар:

А. Маҳмудов, А. Машрапов, И.Норматов, Х. Алиев

Ушбу тавсияномада Фарғона водийсида кенг тарқалган, хўл меваси ва туршаги аҳоли томонидан севиб истеъмол қилиналиган ўрикнинг биологик хусусиятлари, инсон саломатлигини сақлашдаги туган ўрни тўғрисида батафсил баён қилинган. Шунингдек ўрикзорларда юқори ва сифатли мева олиш бўйича агротехник тадбирлар тўғрисида тавсиялар берилган.

Тавсиянома мутахассислар, боғбон-соҳибкорлар ва томорқа эгалари учун мўлжалланган.

Ўрикнинг биологик хусусиятлари.

Ўрик (*Prunus armeniaca*) атиргулдошлар(*Rosaceae*) оиласи, олхўри авлоди (*Prunus*), ўрик(*Armeniaca*) турига мансуб мевали дарахт бўлиб, келиб чиқиши Хитойнинг Тянь-Шан худуди деб, тахмин қилинади.

Ўрикнинг ёш новдалари ялтироқ, яланғоч, қизғиш-жигарранг.

Барги навбатлашиб жойлашган, думалоқ, тухумсимон, учки қисми чўзинчоқ, майда тишли ёки қўшалоқ тишчали, 6-9 см узунликда.

Гуллари биттадан жойлашувчи ёки калта гулбандли, 25-30 мм диаметрли, беш ўлчамли. Косачабарги цилиндр шаклида, яшил-қизил, беш қиррали, тўқ қизил, гуллаш пайтида пастга осилиб туради. Гулбарги оқ, пушти томирли ёки пушти думалоқ, эллипссимон ёки тескари тухумсимон. Чангчилари 25-45 тагача бўлади.

Меваси ширали, бир данакли, сариқ, қизғиш рангда, думалоқ, эллипс, тескари тухумсимон, кўндалангига бўртмаси бўлади. Данаги қалин деворли, силлиқ ёки нотекис. Мева пўсти момик тукли, сариқдан заралдоққача бўлган рангда, бир томони қизарган бўлиши мумкин. Мева эти ширин, ширали ёки қуруқроқ бўлади. Мева оғирлиги ёввойи шаклларида 3-18 г., маданий навларда 5-80 грамм. 1000 дона данагининг оғирлиги 1800-2100 грамм.

Ўрик дарахти 100 йил яшаши, уч ёшдан ҳосилга кириб 30-40 давомида мева беради. Куртаклари -16-21 °С да музлаб, нобуд бўлади.

Дарахтининг ўлчами. Келиб чиқиши Эрон-Кавказ гуруҳига мансуб 9-10 ёшли ўрик навларининг бўйи 4,7-5,7 м., тана диаметри 18-21,2 см, шох-шабба диаметри 5,9-8,0 метрни ташкил қилса, Ўртаосиё гуруҳига тааллуқли ўрик навлари кучли ўсиш хусусиятига эга бўлиб, 10 ёшлиларининг бўйи 5,0-6,7 метр, тана диаметри 14,8-22,8 см, шох-шабба диаметри 6,5-9,0 метрга етиши мумкин.

Мева ҳосил қилиш тартиби. Ўрикда асосан икки хил тартибдаги шохчалар –аралаш, яъни, ўсувчи ва гул куртакли ҳамда мевали, бунда барча куртаклар мевали бўлиб, ўсувчи куртаклар фақат шохчанинг учида бўлади. Шунингдек фақат

мевали куртакларнинг ўзини ҳосил қилувчи шохчалар ҳам учраб туради. Будаё куртаклар мева пишиш жараёни тугагач нобуд бўлади.

Аралаш тартибдаги шохчаларнинг ўсувчи куртакларидан калта–гулдастали шохчалар ҳосил бўлади. Уларнинг шаклланиши новдаланинг йиллик ўсишига боғлиқ бўлади. Жумладан, бу йилги ўсиш қанча узунроқ бўлса, келгуси йил гулдаста шохчаларнинг ҳосил бўлиши кўпроқ кузатилади.

Мевали шохчаларнинг тузилиши ва ҳаёт давомийлиги турли навларда ҳар хил бўлади. Жумладан, Европа навларида улар йўғонроқ, кучли тармоқланган бўлиб, 5-8 йил яшаса, Марказий Осиё навларида мева шохчалари ингичкароқ, кучсиз тармоқланган бўлиб, 7-8 йил умр кўради. Шунинг учун ўрикзорларда солкашликка йўл қўймаслик учун доимий равишда шакл бериш, буташ ва парваришлашни ўз вақтида ўтказиш талаб этилади.

Ўрикнинг шифобахш хусусиятлари

Ўрик ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар, мактаб ўқувчилари ва талабаларда хотирани яхшилаш, мия фаоллигини кўтаришда муҳим ўрин тутади. Ўрик-энг фойдали ва хуштам мевалар сирасига киради.

Ўрик мевасининг таркиби


Ўрик олма, вино, лимон кислоталар, крахмал, пектин, дубил моддаларга бой. Пектин организмдан заҳарли моддаларни чиқариш ва ортиқча холестерин тўпланишига тўсқинлик қилиш хусусияти борлиги билан қадрланади. Ўрикнинг қолган барча хусусиятларини витаминлар ва минераллар белгилайди. В витаминлар гуруҳи юрак – қон томир хасталикларида самаралидир. Аскорбин кислота ёки витамин С ўткир юқумли ва шамоллаш касалликларини олдини олишда фойдалидир. Витамин С шунингдек ошқозон, ичак йўллари фаолиятига ва иммунитетга ижобий таъсир кўрсатади. Провитамин А келажакда А витамини синтезида зарур бўлади. У эса тери холатини яхшилади, инсон иммунитетини яхшилади. Ўрик таркибидаги минерал тузлар

инсон суякларининг емирилишига тўсқинлик қилади. Минерал тузларсиз асаб тизими ва модда алмашинув жараёнлари меъёрида кечмайди.

Калий тузлари организмдан натрийни чиқаришни таъминлайди. Чунки натрийнинг тўпланиб қолиши организмдан суюқликнинг чиқиб кетишига тўс қинлик қилади. Темир тузлари қон синтези жараёнларида иштирок этади. Ўрик таркибидаги темир тузлари бошқа манбаларга нисбатан организм томонидан осонроқ ўзлаштирилади. Кислота-ишқор мувозанатини сақлашда, овқатни хазм қилишда магний ва фосфор тузларининг ўрни беқиёсдир.

Қалқонсимон без профилактикасида йод моддасига бой бўлган ўриқдан фойдаланиш керак.

Ўрик мевасининг биокимёвий таркиби

	100 грамм мевасида					
	моддалар	гр.	минераллар	мг.	Витаминлар	мг.
	Сув	86,3	Калий	259	С	10
	Оқсил	1,4	Фосфор	23	А	0,096
	Ёғлар	0,39	Кальций	13	Е	0,89
	Углевод	11,1	Магний	10	В3	0,60
	Клечатка	2,0	Натрий	1	В6	0,05
	Қанд	9,24	Темир	0,39	В7	0,04
	Калория	48	Рух	0,20	В1	0,03

Ўрикнинг фойдали хусусиятлари

Ўрикни хўлича, туршак, мураббо, джем ва шарбат ҳолатида истеъмол қилинади. Ўрикни турли шаклларда истеъмол қилиш орқали организмнинг ҳолатини яхшилаш мумкин бўлади. Ошқозон-ичак йўллари, юрак қон-томир, модда алмашинувининг бузилиш хасталиklarини ва семизликни даволашда ўриқдан фойдаланиш тавсия

этилади. Ушбу мева тури қон синтезига ижобий таъсир қилиши сабабли уни витамин етишмовчилиги, камқонлик, овқат хазм қилиш тизимининг бузилишида истеъмол қилиш фойдали бўлади.

Ўрик онкологик касалликларга чалинган ҳамда оғир, радиоактив металллар билан заҳарланганларнинг кундалик истеъмолидаги маҳсулот ҳисобланади. Ушбу хуштам меванинг организм ҳаётий жараёнларини бошқариш функциясини тикловчи ва умумий қаршилигини кўтариш хусусиятлари маълумдир.

Ўрикнинг хўл меваси пархез маҳсулот бўлганлиги сабабли вазни ортиқ кишилар, уни кўрқмай истеъмол қилишлари мумкин. Бутун дунёда фаолият кўрсатувчи диетологларнинг кўпчилиги ўрикни хазм қилиш жараёни ва модда алмашинувида энг фойдали маҳсулот сифатида тан олишган. Қабзиятдан азият чекувчи ҳамда ичак тизимида кўплаб газ тўпланувчи инсонлар кунига 100 грамм хўл ўрик меваси этини ейиши керак.

Темир моддаси миқдори бўйича ўрик мол жигарига яқин туради. Кам қонлик хасталигида суткасига 100 грамм ўрик истеъмол қилиш 250 грамм мол жигарига баробар бўлади.

Ўрик магний ва фосфор сингари минерал моддаларга бой бўлиб, улар бош миянинг фаол ишлашига ижобий таъсир қилади. Магний шунингдек артериал босимни пасайтиради. Қон босими юқори кишилар ўрик мевасининг табиий пишган, хўл мевасини истеъмол қилганлари дуруст. Кальций моддаси борлиги ўрикни юқори нерв-мускул кўз ишини даволашда дори сифатида фойдаланишга имкон беради.

Хитойлик табиблар қадимдан чуқур кесилган, йиринглаётган тана аъзоларини даволашда ўриқдан фойдаланишган. Ўриқда бундай хусусиятнинг ҳосил бўлиши фитонцидлар сабаблидир.

Ўрик таркибидаги бета-каротин моддаси инсонда кўриш қобилиятини сақланишига ижобий таъсир кўрсатади.

100 г. ўрик мағзи - 400 ккал га эга, мағзи таркибида витаминлардан РР ва В17 темир, калий, натрий, магний, кальций сингари минерал элементлар мавжуд. 100 мағизда 45 фоиз ёғ, 25 фоиз оқсил, 3,37 фоиз углеводлар, ёғ ва оқсил мавжуд. Мағиз ёғи таркибида витаминлардан С, В, А, F мавжуд.

Ўрик мағзини суткасига 20 граммдан ортиқ ейиш таъқиқланади.

Ўрик истеъмолида эҳтиёт чоралари

Ўрикни оч қоринга ҳамда гўшти таомлардан, паловдан ва бошқа қийин хазм бўладиган таомлардан кейин истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Акс холда овқат хазм қилиш жараёни бузилади.

Ўрикнинг хўл меваси ўткир гастрит, ошқозон шираси юқори кислотали мухитга эга бўлган кишиларга, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси билан хасталанганларга зарар етказиши мумкин.

Қанд кассаллиги бўлган беморларга, ўрик таркибида сахароза кўплиги сабабли унинг истеъмоли чекланади.

Ўрик таркибидаги А провитамини ва каротин жигар ва қалқонсимон без касалликларга учраган инсонларда ўзлашмай қолиши мумкин.

Мағзи шарқ табобатида йўтал, бронхит, бронхиал астма, ларингит, трахеитни даволашда ишлатилган. Ўрик данаги мағзи шифобах ҳисоблан сада, уни кунига 20 граммдан ортиқ истеъмол қилмаслик тавсия этилади. Мағиз таркибидаги гликозид –амигдолин ичакда соғлиқ учун хавфли бўлган синил кислотага айланади.

Академик Маҳмуд. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Фарғона илмий тажриба станциясида илмий-амалий лойиҳа асосида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра адаптив боғдорчилик талабларига мос бўлган ўрик навларнинг гуруҳи аниқланди. Ўрикнинг хўраки, эртаги навларидан Оқ нукул, Абдурахмони, консервабоп навлардан Шалах, Кечки Верда, Комсомолец,

туршакбоб навлардан Юбилей Навоий, Исфарак, Меҳмони, Бобо Ражаби, Бобо Усмонқандак, Эргашқандак навлари унумдорлиги паст, тош-шағалли ерлар шароитида юқори ва сифатли ҳосил бериш имкониятига эга.

Хўл меваси ва туршагининг сифати бўйича ноёб ҳисобланган вилояти мизнинг Фарғона тумани Чимён қишлоғи сақланиб қолган “Чимён Эргашқандак”, Риштон тумани Тўда қишлоғида аниқланган “Бобоусмон” сингари қадимги қандак ўрик навлари дунёнинг бошқа ҳудудларида учрамайди. Фарғона илмий-тажриба станцияси юқори номлари келтирилган ва бошқа ноёб ўрикларнинг коллекция боғлари қайтадан ташкил қилиниб, фермерлар ва томорқачилар учун ўрик кўчатларини етказиб бериш имконияти яратилмоқда.

Ўрикзорларни парваришлаш.

Баҳорги парваришлаш. Баҳорда шира ҳаракати бошлангунча шакл бериш ва санитария мақсадида кесилади. Биринчи навбатда шикастланган, касалланган шох ва новдалар кесилади.

Дарахт танаси ва асосий склет шохлар оҳак эритмаси билан оқланади. Баҳор келиши билан ўрикзор ўғитланиши керак. Бунинг учун куртаклар бўртгунча дарахт тана ва шох-шаббаси карбамид ўғитининг 0.7 фоизли эритмаси билан пуркалади. Карбамид эритмаси дарахт пўстлоғи ва тана атрофидаги ерда қишлаган касаллик ва заракундаларни қисман йўқотади ҳамда қисман озиқа вазифасини бажаради. Дарахтга карбамид билан профилактик ишлов бериш кечикилган тақдирда фунгицидлар билан ишлов берилади.

Ўрик дарахтини ўғитлаш учун ҳар бир туп тана айланасига 120 грамм карбамид ўғити солинади.

Ёзги парваришлаш.

Ёзда ҳам ўрик дарахтини бутаб турилади. Акс холда шох-шабба қалинлашиб, ёруғлик таъминоти ёмонлашади. Шунингдек мавсумий касаллик ва зараркундаларга қарши курашилади.

Ёзда ўрик ҳосили териб олингач, дарахт суғорилади.

Кузги парваришлаш.

Кузда ўрик қиш мавсумига тайёрланади бунинг учун санитария мақсадида шикастланган, қуриган, касалланган шохлар кесилади. Барг тўкилиши тугагач боғ ичи хазонлардан тозаланади. Шунингдек тана айлнаси атрофи чопилади. Касаллик ва зараркунандаларга қарши профилактик ишлов берилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш.

Ўрикзорларга баҳор ва кузда махсус препаратлар билан ишлов берилади. Профилактика мақсадида карбамид 0,7 фоиз, шунингдек тиним даврида бордо суюқлиги, мис ёки темир купороснинг 3 фоизли эртималари билан пуркалади. Шунингдек экоберин, циркон препаратлари билан ишлов берилса, ўрикнинг касалликларга ва ноқулай иқлим шароитларига чидамлилиги ортади.

Эрта баҳордан кейинги ккинчи ишлов бериш гуллашгача ўтказилади. Бунда ҳаво ҳарорати 18 градусдан кам бўлмаслиги керак. Ушбу кураш каналарга қарши олиб борилади. Бунинг учун неорон препарати ёки олтингугурт ишлатилади.

Барг бужмалоқчи ва узунбурунларга қарши кинимикс ёки децис қўлланилади. Ўрик гуллаб бўлгач монилиоизга қарши ридомил голд препарати билан ишланади. Мева катталашган сари ун шудринг ва кластеспориоздан сақлаш мақсадида олтингугурт коллоиди ва ёки хорус фунгициди билан ишлов берилади. Мева терилишига икки ҳафта қолганда барча кимёвий ишловлар тўхтатилиши керак. Кузда барг тўкилиши билан дарахт танаси ва шох шаббасига карбмиднинг 0,7 фоизли эритмаси билан пуркалади.

Озиқлантириш. Ўрик вегетацияси давомида бир неча марта озиқлантирилади. Азот билан ўрик гулгунча биринчи марта ва гуллаб бўлгач иккинчи марта озиқлантирилади. Бунинг учун карбамид, аммиакли селитра, товуқ гўнгидан фойдаланиш мумкин.

Мева шаклланиши ва пишиш жараёнида фосфорга бўлган талаб ортиши сабали фосфорли ўғит гуллаш арафасида ва ўрик гуллаб бўлгач икки марта озиклантирилади. Бунинг учун фосфорли ўғит (оддий суперфосфат) 1 кв метрга 0,2 кг ёки гектарига 200 кгдан (икки марта) тана айланаси атрофининг 30 см чуқурлигига солинади.

Ўрик ёзнинг дастлабки кунларида мева пишгунча азот ва микроэлементларнинг эритмалари билан фақат барг орқали озиклантириш мумкин.

Ўрик меваси пишгунча, ғўралигида калий ўғити (калий хлорид) 1 кв.га 20 грамм ёки гектарига 200 кг миқдорида тана айланасига 30 см чуқурликка солинади.

Ёз ўрталарига келиб ўрикзорларда ҳосил йиғиб олингач, фосфор ва калий ўғитлари билан озиклантирилади.

Органик ўғитлар билан 1-2 йилда бир марта 1 кв.м. ҳисобига 4 кг ёки гектарига 40 тоннадан озиклантирилади. Компост 1 кв. м. га 5-6 кг ёки гектарига 50-60 тонна миқдорида солинади.

Товуқ гўнги 1 кв.м. ҳисобига 300 грамм ёки 1 гектар майдонга 3 тонна миқдорида компостга аралаштириб солинади.

Шунингдек ўрикзорларни микроэлементлар билан озиклантириш яхши самара беради. Жумладан, биринчи марта баҳорда барг ёзилгач марганец сульфат 1 фоизли суспензияси билан ишлов берилади. Бундай суспензияни бир ой ўтгач такрорлаш мумкин. Шунингдек ўрик вегетацияси даврида бор кислотаси билан 10 grammi 10 литр сувда эритилиб (0,1 фоизли) пуркаш мумкин.

Суғориш. Ёш ва ҳосилга кирган ўрикзорлар мева пишишига 2-3 ҳафта қолгунча 2-3 марта, мева териб олингач 1 марта суғорилади. Суғориш меъёри 600-700 куб метр бўлиши керак. Ўрик барг тўкилгач ёки эрта баҳорда ерда нам

заҳирсини яратиш мақсадида яна бир марта 800-1000 куб. Метр меъёрида суғорилади.

Ўрикка шакл бериш.

Ўрик шакллантириш, ёшартириш, санитар кесишни талаб қилади. Ўрик ҳар йили кесилади. Ушбу тадбир ўрик парваришда энг муҳими ҳисобланади.

Бошқа мевали дарахтлардан фарқли ўлароқ ўрик чангланган гул тугунчаларини ташламайди. Шунинг учун меваси ортиқча кўпайиб кетиб, хатто новдаларни шикастлашгача бориб етади. Кузнинг октябрь ойига келиб, шох-шаббани шакллантириш, новдалар, барглар ва бўлғуси мевалар сонини мувозанатга келтириш, синган, шикастланган, касалланган шохларни олиб ташлаш мақсадида ўрик дарахти кесилади.

Баҳорда ўрик барги ёзилгунча ўрик шакллантириш мақсадида кесилади. Бунда ҳаво ҳарорати иссиқ бўлиши керак. Бунда қишда совуқ урган новдалар кесиб ташланади. Шунингдек шох-шаббага шакл бериш мақсадида йўналтирувчи шох ва новдалар кесилади. Шунингдек уч йилда бир марта май ойининг ўрталарида ёшартирувчи кесиш ўтказилади. Бундай кесиш натижасида янги, 0.3-0,5 м. узунликдаги новдалар, иккиламчи шохчаларда ҳосилли куртаклар пайдо бўлишига шароит яратилади.

Ўрик кўчати экилиб бир йил ўтгач, дастлабки кесиш амалга оширилади.

Ўрик ҳосил шохчаларида мева тугади. Уларни гулдаста шохчалар ҳам дейилади. Ҳосил шохчаларининг фаоллиги фақат уч йил давом этади, кейин уларни алмаштириш зарур. Агар дарахт кесиб турилмаса, дарахтда солкашлик вужудга келиб, 2-3 йилда бир марта ҳосил бера бошлайди. Шох-шабба зичлашиб кетса, замбуруғ касалликлар кўпайиб кетади.

Ўрикка шар шаклида шакл бериш анъанавий ҳисобланади. Шунингдек кипарис, пальметта ва унинг

бошқача кўринишларида шакл берилади. Қуйида барча худудларда тарқалган сийрак-ярусли шох-шаббани ҳосил қилиш кўрсатилади. Ўтган йили кузда ёки баҳорда экилган кўчат $\frac{1}{4}$ қисмга пасайтириб кесилади. Кейинги йили склет шохлар шаллантирилади. Бунинг учун иккита кучли шохчалар танланади. Уларни $\frac{1}{2}$ қисми кесиб ташланади. Бу кўчатнинг қолган новдалари танасига ёпиштириб кесилади. Марказий йўналтирувчи новда ҳам қиқартирилади Бунда у ён склет шохлардан 20-25 см баландроқ бўлиши керак. Шохчаларга қўшиб, ўткир бурчак остида ҳосил бўлган шохчалар кесиб ташланади. Кейинги йили яна учтадан бештагача склет шохлар яратилади. Уларни иккинчи тартибли бўлиб, ўтган йилги склет шохларда ҳосил қилинади ҳамда биб-биридан 0,3-0,4 м оралиқда бўлиши талаб этилади.

Дарахт юқори қисмидаги новдаларнинг йиллик ўсиш суръати пасткиларидан кескин фарқ қилишига йўл қўйилмайди. Кераксиз новдалар кесиб ташланади. Еттинчи ва охириги, саккизинчи склет шаклланиб бўлгач, йўналтирувчи шох саккизинчи склет шох баландлигида кесиб ташланади. Ўрик дарахти шох-шаббаси шаклланиб бўлгач, дарахт шохлари қалинлашиб кетиши олдини олиб турилади холос. Бунда кучли ўсувчи ўрик навлари $\frac{1}{3}$ га, кучсиз шохланувчилар $\frac{1}{2}$ қисмга қиқартирилади. Агар ўрик нави тез ўсувчи бўлса, мавсумда уч марта кесилади. Бунда кучли ўсувчи новдалар $\frac{1}{2}$ қисмга, кучсиз ўсувчи новдалар $\frac{1}{4}$ қисмга қиқартирилади. Дарахтларни ёшартириш мақсадида кесиш, агар дархт новдаларида ўсиш 0,4 метрдан кам бўлганда амалга оширилади. Уч ёки тўрт ёшли ёғочланган шохларни кесишда кейинги ўсадган шохлар тўғри йўналишида бўлиши эътиборга олинади.

Баҳорги кесиш.

Мева берувчи новдаларнинг қуриб бориши ҳисобига склет шохлар ялонғочлашиб боради. Дарахтни ҳар йили кесиб туриш унинг фаол ўсишини таъминлайди ва бунда

новдалар йилига камида 0,4-0,5 метр ўсади. Агар ўрикда йиллик ўсиш 0,3 метрдан камайса, икки йиллик ёғоч шохлар чеканка қилинади. Баҳорда шох-шабба ҳам сийраклаштирилади. Бунинг учун кучсизлашган ва қуриётган шохлар олиб таланади. Шунингдек бўш худудни эгаллаган склет ва ярим склет шохларни ташқи ва ёнбош тармоққа ўтказиш бўйича шуғулланиш керак. Бир мартали кесишда дарахтнинг холатига қараб умумий шох-шаббанинг 2-4 та ораликдаги қисмлари сийраклаштирилади. Иссиқ минтақалардаги ўрик боғларида ёзги кесиш ҳам ўтказилади. Бунинг учун 0,3-0,4 метр узунликдаги новдалар ярмига қисқртирилади. Кесилган новдаларда ёш шохчалар ҳосил бўлиб, вегетация тугагунча мева куртаклар ҳосил қилишга улгуради. Ёзда кесилган ўрик дарахти тўлиқ тикланиб олиши учун етарли миқдорда намлик ва озиқа керак бўлади. Агар худудда сув таъминоти етарли бўлмаса, ўрик ёзда кесилмайди.

Кузги кесиш.

Кузги кесиш ўрикни қишга тайёрлаш мақсадида амалга оширилади. Ёш дарахтларда кучсизланган, қуриган, шикастланган, касалланган шохлар кесилади. Шунингдек тананинг шикастланган, ёрилган қисмларига боғ қайнатмаси билан ишлов берилади. Дарахт шох шаббасини ёруғлик билан яхшироқ таъминлаш мақсадида ичга қараб ўсган шохчалар кесиб ташланади. Дарахтда ҳосил юки ортиқча кўпайиб кетмаслиги мақсадида икки ёки уч ёшли ёғочланган шохларда ўсган кучли новдалар кесилади. Вояга етган дарахтларда шохларни қисқартириш кейинги тартибдаги шохланишини ҳисобга олган холда амалга оширилади.

Ўрикнинг яланғочлашиб қолган қисмида новдалар кесилмайди. Агар шох-шабба қалинлашиб кетган бўлса, сийраклаштириш ярим склет (тармоқ) шохлардан бошланади. Бошланишига шикастланган, соя солувчи, бир-бирига халақит

берувчи новдалар, заруратга кўра пастки тармоқдаги 15-20 соғлом шохчалар кесилади.

Ўрик касалликлари

Ўрик Валса замбуруғи, клястеспориоз, тасмали мозаика, монилиоиз, вертициллиоз, оспа, вирусли сўлиш билан касалланиши мумкин.

Монилиоиз.



Дарахт монилиоиз билан касланганда дастлаб гуллари кейин новда, барг, шохчалар сўлийди. Касаллик ривожланиши билан шохчалар юзасида ёриқлар пайдо бўлади, дарахт қарий бошлайди.

Қарши кураш. Куртак бўртгунча 3 фоизли бордо суюқлиги билан пуркалади. Гуллаш даврида Тельдор, гуллаб бўлгач Хорус препаратлари билан ишланади. Мевалар пиша бошлагач 0,05 фоиз (5 г/10 лит сув) Свитча билан ишлов берилади. Кимёвий ишлов бериш мева теришдан ўн беш кун олдин тўхтатилади.

Клястеспориоз ёки тешикчали доғланиш.



Агар барг пластинкаларида кўнғир, кейинчалик тешикчалар ҳосил қиладиган кўнғир доғлар пайдо бўлса,

Ўсимлик клястеспориоз билан касалланганлигидан далолат беради. Новдаларда ҳам қўнғир доғлар пайдо бўлиб, кейинчалик елим оқиб чиқадиган ёриқлар ҳосил қилади. Ўсимликнинг зарарланган қисмлари хунук кўринишга эга бўлади.

Қарши кураш. Эрта баҳор куртаклар бўртгунча ҳамда кеч кузда 4 фоизли бордо ёки 1 фоизли мис купороси билан пуркалади. Дарахтда амал даври бошлангач фунгицидлардан Хорис қўлланилади.

Валса замбуруғи.



Агар дарахт зарғалдоқ яра - ўсимталар билан қопланса, Валса замбуруғи билан касалланганлигидан далолат беради.

Қарши кураш. Касалланган дарахт Свитч препаратининг 0,1 фоизли (10 г./10 литр сув) эритмаси билан ишланади. Ушбу тадбир бир –бир ярим ҳафта оралатиб бир неча марта такрорланади. Спрей фунгициди билан ҳам ишлов бериш мумкин. Барча кимёвий ишловлар мева теришдан ўн беш кун олдин тўхтатилади.

Вертициллез сўлиш.



Агар ўсимлик пастки қисмидаги барглар сарғайса, юқори қисмидаги баргларнинг рангида ўзгариш бўлмаса, вилт касаллигининг биринчи белгиси кўринган бўлади. Вилт замбуруғлари барг томирлари ва баг бандида

тўпланади. Барг тўкилгач тупроқ орқали бошқа ёш ўсимликларнинг касалланишига олиб келади.

Қарши кураш.

Ўрик боғини ортиқча заҳлашига йўл қўйилмайди. Ўрик яқинида қулупнай ва итузумдошлар оиласига мансуб экинлар

ўстирилмайди. Баҳорда ва кузда барглари тўқилгач Топсин-М, Фундазол, бордо суюқлиги, Превикур ёки Витарос препаратларининг бири билан ишлов берилади.

Вирус касалликлари.



Вирусли сўлиш. Вирус сўлиш касаллигини дастлаб барг юзасида оч яшил доғлар пайдо бўлиши кейинчалик барг пластинкаси қалинлашиши ва буралиб кетишидан аниқлаш мумкин. Меванинг данак ёнидаги эти қорайиб, кейинчалик қуриб қолади. Касаллик асосан пайвандлаш пайтида юқади.

Лентали мозаика.



Бунда барг сатҳида дастлаб сариқ йўллар пайдо бўлиб, сўнгра тўқилган сурат кўриниши ҳосил бўлади. Касалланган барг қуриб қолади.

Вирус касалликларга қарши қандай курашиш мумкин? Вирус касалликлар билан зарарланган ўсимликларни бугунги кунда даволаш мумкин эмас. Шунинг учун ўрикнинг вирус билан касаланишини олдини олиш керак бўлади.

Профилактик тадбирлардан соғлом кўчатларни экиш, пайвандустни ўсимликнинг учки қисмидан олиш, далани тоза сақлаш, касалликлик ташувчилари бўлганлиги сабабли барча хашаротларни йўқ қилиш, боғда ишлатиладиган барча анжомларни дезинфекция қилиш талаб этилади. Дарахтларга бордо суюқлиги билан профилактик ишлов ўтказиб туриш ҳам талаб этилади.

Хашаротларга қарши кураш.

Ўсимлик бити (шира). Шира барг шираси билан озиқланиши оқибатида ўсимликни кузсизланитириб қўяди. Баргда ширанинг кўпайиши ўсимлик бити ва хашаротлар

чиқиндилари билан озиқланувчи қурум замбуруғининг пайдо бўишига олиб келади. Шира давоси бўлмаган вирус касалликларининг ташувчиси ҳам ҳисобланади.



Қарши кураш. Шираларга қарши дастлаб кулнинг ёки тамакининг ишқорий эритмаси билан ишлов берилади. Лекин бунда ширалар тўлиқ халок бўлмаганлиги сабабли дарахтга Карбофос ёки Актеллик билан пуркалади.

Мевахўр. Мевахўрнинг капалаги пилла ҳолатида дарахт танаси пўстлоғи ёки тупроқ юза қисмида қишлайди. Мевахўрлар май ойида учиб чиқиб, барг банди ва мева тугунчаларига тухум қўяди. Мевахўр ёзда яна бир авлод беради.



Қарши кураш. Баҳор ва кузда ўтказиладиган профилактик тадбирлар яхши самара беради. Шунингдек дарахт танаси айланаси тупроғини доимий равишда юмшатиб туриш керак. Тана ва склет шохларни оҳак ва мис купороси суюқлиги билан оқлаб туриш талаб этилади.



Баргхўр.

Баргхўр куртлари тупроқ юза қатлами ёки дарахт пўстлоғи остида қишлайди. Қишловдан чиққан куртлар барг ва куртаклар билан озиқланади. Сўнгра ғумбакка айланиб, июнь ойида капалакари пайдо бўлади. Капалаклари барг

сатҳи ва новдаларг тухум қўяди.

Қарши кураш. Ушбу куртларга қарши эрта баҳорда ҳаво ҳарорати 15 градусга кўтарилгач ҳамда ўрик меваси териб бўлингач Хлорофос препарати билан ишлов берилади.

Кузда ўрикзорда тўкилган барглар йўқ қилиниши, тана атрофи юмшатиб чиқилиши ҳамда боғ кимёвий воситалар билан профилактика мақсадида ишланиши керак.

Янгидан ташкил қилинаётган боғ учун тавсия қилинадиган ўрик навлари

Фарғона илмий тажриба станциясида ўрикнинг 41 та нави бўйича ўтказилган тадқиқотлар маҳаллий ва интродукция қилинган навларнинг бологияси ва қимматли хўжалик белгилари бўйича муҳим маълумотлар олиш имконини берди.

Навларнинг ҳар бирига тўлиқ, мукамал баҳо бериш учун унинг биологик хусусияти ва ички имкониятини билиш билан бир қаторда иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан баҳо бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай тартибда баҳолаш мева ва резавор мевалиларни тупроқ-иқлим шароитига кўра жойлаштириш масалаларини такомиллаштириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Таҳлил натижаларига кўра ўрик ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорлик навларга кўп жihatдан боғлиқлиги аниқланди. Жумладан, эртаги хўраки нав ўриклар мевалар

бозорда камлик пайтида пишиб етилганлиги сабабли харидоргир бўлиб, юқори нархларда сотилган, иқтисодий самарадорлик жиҳатдан хали хўллик ҳолатида ҳам консервабоп ва туршакбоп ўриклардан устунлигини кўрсатди (3.1.1.6-жадвал). Уч йиллик ўртача маълумотларга кўра хўраки навлар боғбонлар томонидан тадбиркорларга ҳар бир килограмми 4000 сўмдан сотилган бўлиб, Оқ нуқул ва Абдурахмоний навларининг меваларини сотишдан гектарига 48,2 млн.сўм даромад, 40 млн. сўм соф фойда олиниб, 501 фоиз рентабелликка эришилган. Шунингдек Оқ шакар нав ўриқдан 35,8 млн сўм соф фойда олиниб, рентабеллик 446 фоизни ташкил қилган.

Фарғона вилояти шароитида консервабоп навлар асосан хўллигида истеъмол қилиш мақсадида четга экспорт қилинмоқда. Чунки қайта ишлаш корхоналарига ўрик мевасини қайта ишлаш мақсадида етказиб бериш бўйича иқтисодий тизими тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги, корхоналар томонидан маҳсулотларни паст нархларда қабул қилинаётганлиги боғбонларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Ўртача уч йиллик чакана харид нархлар консервабоп ўрик навлари бўйича ўртача 1500 сўмни ташкил қилган бўлиб, барча ўрик навлари учун харажатлар гектарига 8 млн. сўмни ташкил қилгани ҳолда эталон сифатида танланган Шалах навида даромад 21 млн.150 минг сўмни, соф фойда 13 млн. 130 минг сўмга етиб, 164 фоиз рентабелликка эришилган. Таҳлил натижалари консервабоп ўрик навларининг барчасини етиштириш самара беришини кўрсатган бўлсада, улар ичида Шалах нави билан рақобат қиладиган навининг йўқлигини кўрсатди. Лекин Кечки Верда, Канцлер, Венгерский лучший

Ўрик навларининг иқтисодий самарадорлиги (2018-2020 йиллар бўйича ўртача)

№	Нав	Ҳосилдорли к,ц/га	Ишлабчиқар ишҳаражатла ри, сўм	Ялпимаҳсу лот дан олингандар омад, сўм/га	Соф фойда, сўм/га	рентабелл икдаражас и, %
1	2	3	4	5	6	7
	Хўраки навлар					
1	Оқнукул(назор.)	120,5	8019840	48200000	40180160	501
2	Оқшакар	109,5	8019840	43800000	35780160	446
3	Абдурахмони	120,4	8019840	48160000	40140160	501
4	Бодом ўрик	113,8	8019840	45520000	37500160	468
	Консервабопнавлар					
1	Шалах(назорат)	141	8019840	21150000	13130160	164
2	Королевский	110,4	8019840	16560000	8540160	106
3	Салгиранский	102,4	8019840	15360000	7340160	92
4	Тилган	111,3	8019840	16695000	8675160	108
5	Южанин	109,4	8019840	16410000	8390160	105
6	КечкиВерда	117,4	8019840	17610000	9590160	120
7	Никитский	112,1	8019840	16815000	8795160	110
8	Комсомолец	115,3	8019840	17295000	9275160	116
9	Беленгейин	116,1	8019840	17415000	9395160	117
10	Прима	106,7	8019840	16005000	7985160	100
11	Большой Яна	114,1	8019840	17115000	9095160	113
12	Тильган	114,7	8019840	17205000	9185160	115
13	Советский	103,2	8019840	15480000	7460160	93
14	Шиндахлон	109,9	8019840	16485000	8465160	106
15	Канцлер	117,7	8019840	17655000	9635160	120
16	Венгерский луч.	126,4	8019840	18960000	10940160	136
17	Лючакзолотистий	108,4	8019840	16260000	8240160	103
18	Коммунар	102,6	8019840	15390000	7370160	92
19	Хасакморозост.	106,5	8019840	15975000	7955160	99
	Туршакбопнавлар					
1	Исфарак(назор.)	114,6	8019840	34380000	26360160	329
2	Субхони	91,7	8019840	27510000	19490160	243
3	Ахрори	108,4	8019840	32520000	24500160	305
4	Меҳмони	110,5	8019840	33150000	25130160	313
5	Хурмои	110	8019840	33000000	24980160	311
6	Юбилей Навоий	128,8	8019840	38640000	30620160	382
7	Мирсанджали	102,6	8019840	30780000	22760160	284
8	Бобо Ражаби	118,3	8019840	35490000	27470160	343
9	Рухиджуванон	110,5	8019840	33150000	25130160	313
давоми						

№	Нав	Ҳосилдорли к,ц/га	Ишлабчиқар ишҳаражатла ри, сўм	Ялпимаҳсу лот дан олингандар омад, сўм/га	Соф фойда, сўм/га	рентабелл икдаражас и, %
10	Риштонқандак	111,2	8019840	33360000	25340160	316
11	Қандак к/п	105,7	8019840	31710000	23690160	295
12	Мулла ханд	101	8019840	30300000	22280160	278
13	Оққандак	103,4	8019840	31020000	23000160	287
14	Қизилқандак	92,7	8019840	27810000	19790160	247
15	Ирис Риштон	107,7	8019840	32310000	24290160	303
16	Бобо Усмон	109,8	8019840	32940000	24920160	311
17	Миндонсар.қан.	93,2	8019840	27960000	19940160	249
18	Эргашқандак	119,4	8019840	35820000	27800160	347

навлари бўйича эталон навига яқин натижалар олинган. Жумладан, ушбу навларда рентабеллик 120-136 фоизни ташкил қилган.

Туршакбоп навлар бўйича олинган натижалар тахлили Исфарақ, Бобо Ражабий, Юбилей Навоий, Эргашқандак навларининг ҳосилдорлиги юқорилиги сабабли самарали эканлигини кўрсатди. Жумладан, туршакбоп навларга эталон ҳисобланган Исфарақ нави ўригини хўллигича сотишдан олинган даромад 34 лн.380 минг сўмни, соф фойда 26 млн. 360 минг сўмни, рентабеллик 329 фоизни ташкил қилган. Энг юқори кўрсаткичга Юбилей Навоий навида эришилган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинган соф фойда 30 млн.620 минг сўм, рентабеллик 382 фоизга етган. Шунингдек Боборажабий навида соф фойда 27 млн.470 минг сўм, рентабеллик 343 фоиз, Эргашқандак навида соф фойда 27 млн.800 минг сўм, рентабеллик 347 фоизни ташкил қилган. Ушбу натижалар кўра гарчи туршакбоп навларни хўллигича сотиш самарали бўлсада, туршакбоп навларни қайта ишлаб, туршак ҳолатида сотиш янада самарали бўлиши амалиётда исботини топган.

Хўраки навлардан Оқ нукул, Абдурахмоний, консервабоп навлардан Шалах, Кечки Верда, Канцлер, Венгерский лучший, туршакбоп навлардан Исфарак, Боборажабий, Юбилей Навоий, Эргашқандак навларини маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан самаралидир.

Демак, янгидан ташкил қилинадиган ҳамда реконструкция қилинадиган боғлар учун юқори ҳосилдорлик имкониятига эга бўлган хўраки ўрикнинг Оқ нукул, Абдурахмони, консервабоп навлардан Шалах, Венгерский лучший, Комсомолец, Канцлер, Верда, туршакбоп навлардан Юбилей Навоий, Исфарак, Бобо ражаби, Эргашқандак навлари тавсия қилинади.

Ўрикнинг “Чимён Эргашқандак” нави



“Чимён Эргашқандак” маҳаллий-қадимий ўрик навлари ичидан танлаб олиш усули билан яратилган. Пайвандтаги - маҳаллий, кучли ўсувчи, мағзи аччиқ, ёввойи ўрик. Амал даври 9-11 мартдан бошланади, 21-25 мартда тўлиқ гулга киради, пишиш

июнь ойининг охиригача беш кунлигида. Ўрик дарахтини энг кўп зарарлайдиган клястеспориз (тешикчали доғланиш) касаллигига ўртача бардошли. Ҳосил қуввати 4 балл, ҳосилдорлиги ўртача 119 ц/га.

Саноат асосида ўрикзорлар ташкил қилишда ушбу нав кўчатларидан кенг фойдаланиш мумкин. Унинг хўл ва қуритилган меваси аҳоли томонидан севиб истеъмол қилинади. Ҳосилдорлиги юқори, меваси сифатли, ҳар йили барқарор ҳосил беради, ҳавонинг юқори ҳароратига чидамли, адаптив нав.

Тупи кучли ўсади, барги тўқ яшил, ўртача катталиқда, барг навбатлашиб жойлашган, ўртача чўзиқ тухумсимон,

учки қисми чўзиқ, ўртача қалинликда, четлари майда тишчали.

Меваси сарғиш, тескари тухумсимон, данаги 2,8-3 см, эллипссимон, учи чўзинчоқ, ёни қовурғали тўқ қизғиш. Хўл мевасида умумий қанд миқдори 17,5-18,3 фоизни ташкил қилади. Туршагининг эти данагига ёпишиб қолмай осон ажралади. Меваси оч-чариқ рангли, мазаси ширин, ёқимли таъмга эга. Хўл мевасида умумий қанд миқдори 17,5-18,3 фоизни ташкил қилади. Ушбу нав Академик М.Мирзаев номидаги БУВаВИТИ Фарғона илмий-тажриба станциясида яратилган маҳаллий нав. Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш марказининг 2020 йил 22 декабрь 42-сонли қарори асосида Давлат реестрига киритилган (675 – сонли гувоҳнома).

Ўрикнинг “Юбилейный навоий” нави. Бу нав академик



М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган.

1958 йилдан Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхандарё, 1973 йилдан Фарғона водийси бўйича Давлат ресстрига киритилган. Нав

эртапишар, меваси июннинг биринчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи баланд, шох шаббаси думалоқ, шакл беришга мойил, кўчати экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Бу нав унверсал ўрик навлар сарасига киради. Ташиш ва сақлашга чидамли. Ҳосилдорлиги кучли ўсувчи пайвандтагларда 84.2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 135.3ц/га ни ташкил этади. Меваси думалоқ, тилла ранг сариқ, қизил ғуборли, йирик ўртача вазни-45 г.Эти жуда хам зич, сал қувроқ. Мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси-4,4 балл.



“СУБХОНИ” нави. Маҳаллий нав 1959 йилдан Андижон, Фарғона, Наманган ва тошкент вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган. Дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси кенг пирамидасимон, кўчати экилгандан сўнг кучли ўсувчи пайвандтагларда саккизинчи йили

ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги кучли ўсувчи пайвандтагда 110.1 ц/га, ярим пакана пайвандтагларда 180-210 ц/га, Нав эртапишар, меваси июннинг биринчи ўн кунлигида етилади. Туршакбоп нав, ташишга ва сақлашга чидамли, мевасидан 27.6% туршак чиқади. Меваси кенг тухумсимон, ранги яшил тусли, оч зарғалдоқ, оч пушти ғубори бор. Меваси йирик, ўртача вазни 32 г. Эти тўқ сариқ, ўртача сершира, мазаси нордон ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси 4,5 балл

Ўрикнинг “АРЗАМИ” нави



Маҳаллий нав.1959 йилдан Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган. Нав ва эртапишар, меваси июннинг

иккинчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси кенг, кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради. Барча ўриклар учун чанглатувчи нав. Ҳосилдорлиги -116,6 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги-182,3 ц/га ни ташкил этади.Меваси нотўғри ясси-думалоқ шаклли, оч зарғалдоқ рангли, ўртача вазни-29 г.Эти сариқроқ, майин, сершира, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси-4,5 балл.

Ўрикнинг “БОБО РАДЖАБИ” нави



Махаллий нав, академик М.Мирзаев номидаги БУВа ВИТИ Фарғона илмий-тажриба станциясида яратилган. Ўрта ўсувчи дарахти ёйиқ. Меваси ўртача 27-30г, думалоқ овал шаклда, сариқ, озроқ Қизғиш рангда. Мева эти сувли, ширин, хидли, универсал ишлатишга мойил.

Меваси таркибида қанд 22%гача, кислота 0,6% С витамини 20 мг% ни ташкил қилади. Қуруқ мева чиқиши 35%, тўртинчи – бешинчи йили хосилга киради. Июнь ойининг ўртасида пишади. Хосилдорлиги 150-170 ц/га. Клястероспориоз билан кам зарарланади.

Ўрикнинг “Исфарак” нави.



Махаллий нав. 1959 йилдан Андижон, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав эртапишар, меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида пишади. Дарахтнинг бўйи ўртача. Шох шаббаси, сербарг, дарахти экилгандан сўнг еттинчи йили хосилга киради. Хосилдорлиги-161,1 ц/га, энг юқори хосилдорлиги-249,2 ц/га ни ташкил этади. Меваси думалоқ. Ранги сариқ-зарғалдоқ, сал пуштиси бор, мевасининг ўртача вазни- 31 г. Эти оч зарғалдоқ, жуда зич, мазаси нордон-ширин. Мевасининг пишган вақтидаги таъм бахоси-5,0 балл.



Ўрикнинг “КУРСАДИК” нави Маҳаллий нав. 1959 йилдан Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона 1984 йилдан Андижон вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган. Нав эртапишар, меваси июннинг иккинчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи

баланд, кенг шох –шаббали, кўчати экилгандан сўнг еттинчи йили ҳосил бера бошлайди. Ҳосилдорлиги -90,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 177.3 ц/гани ташкил этади. Меваси учлироқ-тухумсимон, тукли, ранги сариқ, қуёш томони қизил, ўртача вазни-38г. Эти тўқ сариқ, зич, ўртача сершира, мазаси нордон-ширин, хушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси -4,5 балл.

“ВЫМПЕЛ” нави. Бу нав бутуниттифоқ ўсимликшунослик



илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлимида яратилган. 1982 йилдан Фарғона водийси вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Нав ўртапишар, меваси июлнинг биринчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи баланд, шох-

шаббаси кенг, кўчати экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги ўртача 170.2 ц/га. Меваси тухумсимон, сал ботиқ, кам тукли, ранги сарғич, оч сариқ, қизил ғуборли, йирик, мевасининг ўртача вазни 23 г, эти сарғиш, мазаси нордон-ширин, мевасининг пишган вақтидаги таъми -4.8 балл.



“ХУРМАИ” нави.

Маҳаллий нав, 1959 йилдан Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган. Бу

нав кечпишар бўлиб, меваси июлнинг биринчи ўн кунлигида етилади. Дарахтининг бўйи баланд, кенг шох-шаббали, кўчатлари экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 115.4 ц/га. Меваси кенг тухумсимон, ранги оч сарғич, сал қизил ғуборли, ўртача вазни – 30 г, эти тўқ сариқ, зич, сершира, ҳушбўй. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4.3 балл.



“МУЛЛА ХАНДИ” нави. Бу нав ўртапишар, қандак, туршакбоп ўрик нави бўлиб, июл ойининг иккинчи ўн кунлигида пишиб етилади. Шох-шаббаси кенг, дарахти ўрта бўйли, овалсимон,

ранги қизил сарғиш, сал қизил ғуборли, 1978 йилдан Фарғона водийси бўйича Давлат реестрига киритилган. Кўчатлари экилгандан сўнг 4 йилдан ҳосил қила бошлайди. Ўртача ҳосилдорлик 136.0 ц/га, эти сарғиш – қизил, сершира, ҳушбўй, мевасининг пишагн вақтидаги таъм баҳоси 4,7 балл.

“ХУРМАИ” нави.



Ўртапишар нав бўлиб, дарахтининг бўйи баланд, шох-шаббаси кенг тарқалган. Нав март ойининг иккинчи ўн кунлигида гуллайди. Мевасининг пишиш муддати июнь ойининг иккинчи ўн кунлигида пишиб

етилади. Бу нав 1959 йилда Республикамизнинг барча ҳудудларида экишга руҳсат берилган. Давлат ресстирига киритилган. Бу нав универсал белиб қайта ишлаш ва туршакбоп навлар сарасига киради. Кўчатлари экилгандан сўнг 4-5 йилдан ҳосилга киради, ўртача ҳосилдорлик 125.0 ц/га, меваси тухумсимон чўзиқ, ранги сариқ-қизғиш, мевасининг эт зичлиги ўртача, кластесипориоз касаллигига ўртача чидамлик, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси 4.0 балл.

